



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ЛАВОЗИМИГА КИРИШДИ

14 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Унда депутат ва сенаторлар, давлат ташкилотлари раҳбарлари, дипломатик корпус ва жамоатчилик вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси З.Низомхўжаев очиб, Президент сайлови янгиланган Конституциямиз ва демократик тамойиллар асосида, сиёсий фаоллик муҳтида ўтганини таъкидлади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчиларнинг 87,05 фоиз овози билан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганини қайд этди. Шу муносабат билан Шавкат Мирзиёевни қизгин табриклаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунлариغا қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юқлатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қилди.

Маросимда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади.

— Бугун елкамга қандай улуғвор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан ҳис этиб турибман. Мана шундай юксак ишонч учун, ҳурмат ва эътибор учун кўпмиллатли, мард ва донишманд халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон янги даврга қадам қўяётгани, у сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда тўб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлажаги таъкидланди. Бунинг учун янги ғоя ва ташаббуслар, аввалгидан-да кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлаш керак.

Дунёдаги зиддиятлар иқтисодиёт учун муаммолар келтириб чиқармоқда. Иқлим ўзгариши, табиий бойлиқлар ва сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани ҳам барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мана шундай оғир ва таҳликали вазиятда халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни — самарали ички ва ташқи сиёсат йўлини аниқ

белгилаб олиш ва уни қатъий амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Президент шу борадаги келгуси етти йилга мўлжалланган стратегик мақсадларни кўрсатиб ўтди. Қисқа қилиб айтганда, булар — қонунчилик ва ижро ҳокимиятини такомиллаштириш, илҳам ва самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, ижтимоий соҳа ва хизматларни ривожлантириш, тадбиркорликка имкониятларни кенгайтириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадларини кўпайтириш кабилардир.

Иқтисодиёт соҳасида “яшил иқтисодиёт”, “яшил энергия” тамойиллари янада кенг жорий этилади. Инвестициялар жалб қилиш кўпайтирилади. Саноат ривожлантирилади. 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ёшларга алоҳида муурожаат қилди.

— Азиз ўғил-қизларим, бугун тарихнинг ўзи, замоннинг ўзи сизларнинг олдингида бекиёс имкониятлар очмоқда. Сизлар Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилдиган буюк ишларни амалга оширишга қодирсиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давоми 2-бетда

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК ИШОНЧINI ОҚЛАШ, ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗНИ ЯНГИ, ЯНАДА УЛКАН НАТИЖАЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ — БОШ ВАЗИФАМИЗ

ЯНГИ САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЛАВОЗИМГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Ҳурматли Сенат аъзолари! Ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари! Хорижий дипломатик корпус вакиллари! Хонимлар ва жаноблар!

Мана шу тарихий ва ҳаяжонли дақиқаларда аввало менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаган барча юртдошларимга яна бир бор чин қалбимдан самимий миннатдорчилик билдираман.

Муқаддас Ватанимиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юксак ҳурмат бажо келтираман.

Азиз дўстлар! Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланишимни мен инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, халқ манфаатини таъминлашга қаратилган сиёсатимизнинг яна бир юксак эътирофи сифатида қабул қиламан.

Бўлиб ўтган Президент сайлови янгиланган Конституциямиз асосида ўтказилгани унга чинакам халқчил руҳ ва мазмун бағишлади. Ушбу сайловда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириб, Янги Ўзбекистон учун овоз берди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ва масъулиятли бу сиёсий жараён эл-юртимиз

билан биргаликда танлаган ва амалга ошираётган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини яна бир марта тасдиқлади.

Сайловда 15 та халқро ташкилотдан 466 нафар, 47 та хорижий давлатдан 331 нафар вакил халқро кузатувчи сифатида қатнашди. Шу билан бирга, 1400 нафар маҳаллий ва хорижий журналистлар сайлов жараёнларини атрафлича ёритиб борди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг узок муддатли миссиялари бутун сайлов жараёнларини бевоҳита кузатиб борди.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеяси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилотидан ҳам кузатувчилар иштирок этди. Буларнинг барчаси ушбу сайлов жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотганини кўрсатади.

Маҳаллий ва хорижий кузатувчилар сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқро тамойиллар асосида, эркин ва демократик, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳтида, очиклик ва шаффофлик руҳида ўтганини эътироф этдилар. Бу, ўз навбатида, барчамизни бирлаштириб, ўз куч ва имкониятимизга бўлган ишончимиз, халқимиз, Ватанимиз олдидаги масъулиятимизни янада ошириши табиий, албатта.

Ҳурматли тантанали маросим қатнашчилари! Олижаноб ва бағрикенг халқимиз менга яна бир бор катта ишонч билдириб, буюк Ватанимиз тақдири учун бутун масъулиятни ўз зиммамга олиш имконини берганини шу ҳаяжонли лаҳзаларда янада чуқур англаб, қалбим чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлмоқда.

Шу билан бирга, бугун елкамга қандай улуғвор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан ҳис этиб турибман.

Мана шундай юксак ишонч учун, ҳурмат ва эътибор учун кўпмиллатли, мард ва донишманд халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан.

Номзодимни илгари сурган ва сайлов кампанияси давомида асосий таянчим бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзолари ва фаолларига, биз билан ҳамфикр бўлиб, номзодимни қўллаб-қувватлаган “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари, барча тарафдорларим ҳамда ишончли вакилларимга чин қалбимдан ташаккур айтаман.

Сайловда муносиб иштирок этган “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод — Робохон Маҳмудовага, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — Улугбек Иноятова,

Ўзбекистон Экологик партиясидан — Абдушукур Ҳамзаевага алоҳида миннатдорлик билдириб, уларнинг келгуси ишларига ютуқ ва омадлар тилайман.

Албатта, биз турли сиёсий партияларга мансуб бўлишимиз, турли ғоя ва қарашлар тарафдори бўлишимиз мумкин. Демократия дегани ҳам аслида шу. Аммо моҳият эътибори билан қараганда, барчамизнинг, бутун Ўзбекистон халқининг мақсади бир. Бизнинг барчамизни Ватан, эл-юрт манфаати бирлаштиради.

Шу сабабли биз сайловда қатнашган партияларимиз дастурларидаги энг муҳим фикрлар ва амалий тақлифларни келгуси фаолиятимизда албатта эътиборга оламиз. Барчамиз Янги Ўзбекистон деган ягона ва улуғ мақсад атрофида янада жипслашиб, халқимизнинг орзу-армони бўлган мана шу эзгу ғояни амалга ошириш йўлида ҳамкорлик қиламиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун, ушбу тантанали маросимда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчиларига, барча туман ва шаҳарларимиз, қишлоқ ва овулларимиз аҳолисига, юртимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган маҳалла фаолларига, фуқаролик институти вакиллари, ҳаётимизнинг нуру зиёси бўлган азиз фахрийларимизга, жамиятимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшиб келаётган қадрли

опа-сингилларимизга, келажагимиз эгалари — навқирон ёш авлодимизга, суюкли ўғил-қизларимга, чет элларда таълим олиб, меҳнат қилаётган, Ватан меҳри билан яшаётган барча ватандошларимизга чин юракдан ташаккур билдираман.

Айни вақтда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга, тадбиркор ва фермерларга, бунёдкор қурувчиларимизга, фидойи устоз ва мураббийларга, илм-фан, ижод ва санъат аҳлига, муҳтарам уламопаримизга, аҳоли соломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тиббиёт ходимларига, дунёдаги энг улуғ ва шарафли вазифани адо этаётган жасур ҳарбийларимизга, барча Ватан ҳимоячиларига, жаҳон майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтараётган матонатли спортчиларимизга алоҳида раҳмат айтаман.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда хорижий мамлакатлардаги элчиларимизга, дипломатик ваколатхоналаримиз ходимларига, сайлов жараёнларида қатнашган маҳаллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналист ва блогерларга самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Давоми 2-бетда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига 9 июль куни бўлиб ўтган муддатидан илгари сайловдаги ишончли ғалабаси ва лавозимига киришгани муносабати билан хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат етакчилари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, етакчи халқро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келишда давом этмоқда.

Хорижий ҳамкорлар қайд этганидек, мамлакатимизда ўтган умумхалқ сайлови Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича ортага қайтмас ислохотлар дастури ҳамда давлатимиз халқро нуфузини ошириш борасидаги сай-ҳаракатлар халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг навбатдаги тасдиғи бўлди.

Қутловларда мамлакатимиз билан дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга интилиш қатъий экани алоҳида таъкидланиб, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик, барқарор тараққиёт ва раванқ тилаклари изҳор этилган.

Давоми 2-бетда

БИЗ ВА ДУНЁ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — БУ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ШАРАФ ҲИСОБЛАНАДИГАН МАМЛАКАТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 14 июль куни бўлиб ўтган лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи халқро экспертлар доираларида ҳам катта ақс садо берди.

Бахарудин ЗУЛКИФЛИ, Сингапурнинг Ўзбекистондаги элчиси (қароргоҳи Сингапурда): — Ўзбекистоннинг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев

Жаноби Олийларининг инаугурация маросимини катта қизиқиш билан томоша қилдим.

Давоми 4-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ХАЛҚИМИЗ — ДАВЛАТХОҲ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ — ХАЛҚСЕВАР ВА АДОЛАТПАРВАР

(Ўзбекистон Республикаси сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлиси илк таассуротлари)

Жорий йил 14 июль куни Сенатнинг муҳташам мажлислар залида муддатидан илгари ўтказилган сайловда ишончли ғалаба қозонган Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимга киришиш тантанали маросими бўлиб ўтди. Сайловда халқимиз Шавкат Мирзиёев номзоди учун энг кўп — 87,05 фоиз овоз берди.

Давоми 3-бетда



ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ, ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗНИ ЯНГИ, ЯНАДА УЛКАН НАТИЖАЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ — БОШ ВАЗИФАМИЗ

ЯНГИ САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЛАВОЗИМГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан санимий табрикларини йўллаган мамлакатимизнинг барча фуқароларига, ҳоржий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур эҳтиромимни билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Халқимизнинг бизга билдирган юксак ишончи барчамиздан — депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юртдошимиздан белимизни янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч қарра қуқроқ гайрат ва шижоат билан ишлашни талаб этади.

Шу маънода, олдимизда турган давр Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлади. Кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қониқтирмайди.

Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади.

Ўзингиз қўриб турибсиз, бугун дунё қандай шиддат билан, кескин ўзгариб бормоқда. Жаҳон миқёсда бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда. Айни вақтда олдиндан таҳлил қилиб бўлмайдиган жараёнлардан иборат ўта мураккаб янги бир давр бошланмоқда.

Ер юзининг турли минтақаларида давом этаётган қўролли моҳаролар глобал тинчлик ва осойишталикка жиддий пугтур етказмоқда. Бундай низо ва тўқнашувлар, шафқатсиз рақобат савдо ва инвестиция оқимларини, товар ва хизматлар айланишини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги бўйича янги муаммолар келтириб чиқармоқда.

Дунё миқёсда иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани ҳам барқарор ривожланишга кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биз мана шундай оғир ва таҳликали вазиятда халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни — самарали ички ва ташқи сиёсат йўлини аниқ белгилаб олишимиз ва уни қатъий амалга оширишимиз лозим.

Ислохотларимизнинг таъсирчанлиги ва бардавомлигини таъминлаш учун йўлимизда учраши мумкин бўлган барча хавф-хатар, тўсиқ ва ғовларни ҳисобга олишимиз ва улардан талафотсиз ўтиш чораларини кўришимиз зарур.

Барчамиз биргаликда келажакка ишонч билан интилиб, бутун диққат-эътиборимизни олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга қаратишимиз, халқимиз кутаётган, даврининг ўзи талаб этаётган янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришимиз лозим.

Биз ўтмишдан, кечаги тарихимиздан, йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан зарур ҳулосалар чиқариб, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтиришимиз, Ватанимиз шўҳрати ва шон-шарафини ҳамма жаҳонларда муносиб ва мардона ҳимоя қилишимиз керак.

Нега деганда, бугунги кескин рақобат оламида кечаги мезон ва ёндашувлар билан ривожланиб бўлмайди. Бугунги замон — бу кечаги замон эмас.

Шу боис, ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, ҳар қандай муаммони ақл билан, илм билан ҳал қилишимиз, турли синовларни халқимиз билан бамаслаҳат, оғир-вазмин бўлиб енгиб ўтишимиз керак.

Парламентимиз, ҳукуматимиз, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ўзларининг келгуси фаолиятларини мана шу омилларнинг барчасини инобатга олган ҳолда ташкил этишлари зарур.

Энди барча соҳа ва тармоқларда тизим ўзгаради, вазият ўзгаради, самарадорлик ўзгаради. Биз сайловнинг эртаси кунёқ белгилаб олинган улкан мақсадларни амалга ошириш бўйича қатъий ҳаракатларни бошладик. Чунки вақт, ҳаёт бизни қутиб турмайди. Даврининг ўзи барчамизни тезкор бўдишга, керак бўлса, вақтдан ўзиб ишлашга ундамоқда.

Кимки “Сайлов ўтди — сафарбарлик тугади”, деб ўйласа, хато қилади. Ҳақиқий сафарбарлик энди бошланади. Чунки халқимиз бизга ишониб топширган катта-катта режа ва дастурларни ўзимиз бажармасак, айтинг, четдан ким келиб бажариб беради?

Келгуси етти йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган стратегик мақсадларга эришиш учун бизда барча куч ва имкониятлар бор.

Қудратли халқимизга таяниб, ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни ишга солиб, ислохотларимиз суръати ва самарасини янада оширамиз, ҳеч қачон сусайтирмаймиз. Қанчалик қийин ва машаққатли бўлмасин, танлаган йўлимиздан ортга қайтмаймиз.

“Ҳар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажақ пойдевори” деган шиор бугундан бошлаб ҳаётимиз қондасига, ҳар қайси раҳбарнинг, барча халқ ноиблари, вазир ва ҳокимларнинг кундалик фаолият дастурига айланиши шарт.

Хурматли депутат ва сенаторлар!

Янгиланган Конституциямизда муҳрланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш келгуси фаолиятимизнинг асосий маъномазмунини ташкил этади.

Сайловчилар билан бўлган барча учрашувларда мен ҳаётимизни яхшилаш, уни ҳар томонлама эркинлаштириш ҳақида одамларимизнинг жуда кўплаб фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва талаблари билан қийндан танишдим. Уларнинг асосий қисми биз ишлаб чиқаётган тараққиёт дастуридан албатта ўрин олади.

Шу мақсадда мавжуд ҳуқуқий-меъёрий базани янгилаш бўйича олдимизда кенг қўламли ишлар турганини сизлар албатта яхши тасаввур қиласиз. Яъни қандай янги қонунларни қабул қилиш, қайси қонун ҳужжатларини ўзгартириш кераклигини сизлар ҳаммадан кўра яхши биласиз. Чунки сизлар эл-юртиниз ишонч билдирган, қонуний ваколат берган халқ вакилларишиз.

Қонунчилик ва ижро ҳокимиятини такомиллаштириш, ихчам ва самарали бошқарув тизимини ташкил этишда биз сизларга, сизларнинг бой тажрибанингиз, билим ва салоҳиятингизга, фидойилик фазилатларингизга таянамиз.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилганидек, жонажон Ўзбекистонимизни миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаромиз тинч ва эркин, бахтли ва фаровон яшайдиган ижтимоий давлатга айлантирамиз. Жумладан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, янги уй-joyлар қуриш, аҳолини ичимлик суви, энергия билан ишончли таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар ишини яхшилаш бўйича белгилаб олган вазифаларни албатта бажарамиз.

Биз учун Ватан рамзи бўлган маҳалла тизимини барча ислохотларимизда марказий ва ҳал қилувчи бўғинга айлантирамиз.

Тадбиркорлик учун янада қулай имкониятлар яратиб, янги-янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг бандлигини ошириш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни қўлаб-қувватлаш, камбағаллиқни қисқартиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт билан бирга ажоддаларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз.

Сайловолди учрашувларида миллий ўзлигимиз ва эзгу қадриятларимизни асраб-авайлаш, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларини ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш бўйича белгилаб олган вазифаларни сизлар билан, кенг жамоатчилик билан биргаликда амалга оширамиз.

Ўзбекистонда барча сиёсий ҳуқуқлар қаторида виждон ва эътиқод эркинлиги қафолатлари сўзсиз таъминланмади.

Биз демократия ва очиқлик сиёсатини изчил давом эттириб, конструктив муҳолифат фаолиятини, сўз ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини қафолатлаймиз.

Ўзбекистон фуқаролари дунёнинг қайси ўлкаси ёки минтақасида бўлмасин, қонунларимиз ҳимоясида бўлади. Чет элдаги ватандошларимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлаймиз.

Қадрли ватандошлар!

Сайловолди учрашувларида ҳар бир ҳудуддаги энг долзарб масала билан боғлиқ устувор йўналишларни муҳокама қилиб олганимиз албатта бежиз эмас.

Мақсад — марказий вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчиликни ана шу муаммолар ичига чуқурроқ олиб кириш, ҳар бир ҳудуд бўйича ечимларни аниқ-аниқ кўрсатиб бериш эди.

Энди ҳукумат ҳам, вазирлик ва идоралар ҳам, маҳаллий ҳокимликлар ҳам ана шу йўналишлар бўйича ишлайди. Мақсад — аниқ, вазифа — аниқ, амалга ошириладиган лойиҳалар — аниқ, зарур маблағлар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган.

Одамлар энди биздан янги амалий ишларни кутяпти. Миллионлаб инсонлар — ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз бугун бизга умид ва ишонч билан кўз тикиб турибди. Ана шундай умид ва ишонч оқлаш, эришган ютуқларимизни янги натижалар билан мустаҳкамлаш бизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланиши шарт.

Барча бўғиндаги раҳбарларга чиройли, баянларовоз гапига қараб эмас, фаолиятининг аниқ натижасига қараб баҳо берамиз.

Қонунларни, одамларни менсимайдиган, уларга қўпол муносабатда бўладиган, бюрократия ва коррупция балосига берилган ҳар қандай раҳбар билан — у вазир ёки ҳоким бўладими, бошқа масъул вазифадаги амалдор бўладими — салбий ҳаракатлари билан давлат обрўсига пугтур етказаятган бундай кишилар билан узил-кесил қариллашамиз. Уларнинг ўрнига билимли, Ватан ва халқ таъвиши билан яшайдиган ёш-ёш йигит-қизларни қўямиз.

Мана, сафимизга юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олийгоҳларда ўқиган, йирик компанияларда ишлаган қанча-қанча салоҳиятли ёшлар кириб келмоқда. Мен уларнинг тимсолида аввало эртанги кунимизнинг янги раҳбарларини, ҳудуд, тармоқ ва соҳаларнинг моҳир бошқарувчиларини кўраман.

Иқтисодиёт соҳасида ҳам туб бурилишларни амалга оширамиз. “Яшил иқтисодиёт”, “яшил энергия” тамойилларини янада кенг жорий этамиз. Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестициялар ҳажимини бир неча баробар оширамиз.

Биз 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотимиз ҳажимини 160 миллиард долларга етказишдек жуда катта марра олдик. Бунга эришиш албатта осон бўлмайди. Лекин бу йўлда аниқ ҳисоб-китобларимиз, реал имкониятларимиз бор. Табиий бойликларимиз, меҳнат ресурсларимиз, интеллектуал ва маънавий салоҳиятимиз, иш тажрибамиз етарли.

Мен Ўзбекистон ёшларига яна бир бор мурожаат қилмоқчиман: азиз ўғил-қизларим, бугун тарихнинг ўзи, замоннинг ўзи сизларнинг олдингизда бекиёс имкониятлар очмоқда.

Эл-юрт қорига аввало ким ярайди?

Албатта, сизлар!

Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанснги ким барпо этади?

Албатта, сизлар!

Юртимиз, халқимизни келажақда ким рози қилади?

Албатта, сизлар!

Халқимиз, Ватанимиз сизларга ишонади. Сизлар Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилмадиган буюк ишларни амалга оширишга қодирсиз.

Ёшлик — ғанимат, вақт — ғанимат, фурсат борида отни қамчиланг! Давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятларнинг қадрига етиб! Дунёда ўз сўзинингизни айтинг!

Изланиш ва интилишдан асло тўхтаман! Бахт ва омад доимо сизларга ёр бўлсин! Хурматли анжуман иштирокчилари!

Экология ва атроф-муҳитни асраш, сув тақчиллигининг олдини олиш бундан буён ҳам биз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

Биз, ҳеч шубҳасиз, экологик мувозанат, мусавфо ҳаво, тоза сув, безавол табиат тарафдоримиз. Бу масала биз учун бошқаларга қараганда ниҳоятда долзарб ва муҳимдир. Нега деганда, биз дунёдаги энг катта экологик офат — Орол фожиасини бевосита ўз бошидан кечираётган халқимиз. Шунинг учун ҳозирги вақтда республикаимизда бебаҳо экологик тизимни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли дастурлар, жумладан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Биз келгусида бу ишларни янада жадал давом эттирамиз.

Янги қуриладиган саноат корхоналари лойиҳаларида бу масала бўйича қаттиқ назорат ўрнатилади. Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш учун ҳам барча зарур чора-тадбирларни кўраимиз.

Айни пайтда биз фақат деҳқончилик билан кун кўрадиган мамлакат бўлиб қолмаслигимиз керак. Биз атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда, ишлаб чиқариш индустрияси кучли даражада ривожланган давлатга айланишимиз зарур.

Мамлакатимизда бугун мавжуд бўлган саноат салоҳияти, очиқ айтиш керак, дунёдаги кўпгина давлатларда йўқ. Биз мана шундай ноёб салоҳиятимизни янада ривожлантириш, юртимизни қудратли индустрия маконига, юқори технологиялар, инновациялар, жаҳон бозорида рақобатбардор бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий мамлакатга айлантириш бўйича катта-катта дастурлар қабул қилганимиз ва уларни албатта амалга оширамиз.

Биз нафақат моҳир пахтакор ва ғовгонлар ўлкаси, балки IT бўйича юқори малакали мутахассислар, инженер ва энергетиклар, қончи ва металлургрлар, физик ва кимёгарлар мамлакатаи бўлишимиз керак.

Қадрли ватандошлар!

Ўзбекистонимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари кўп. Лекин бизнинг энг катта кучимиз, бебаҳо бойлигимиз бу — ягона, аҳил оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли халқимиздир.

Бўлиб ўтган сайловлар бу ҳақиқатни яна бир бор исботлади.

Барчамиз миллатимиз, тилимиз ва динимиздан қатъи назар, дунёимиз, эл-юртимиз тинч бўлсин, Ўзбекистонимиз обод ва фаровон бўлсин, фарзанд ва невараларимиз соғлом бўлиб, замонавий билим ва касб-хунар эгаллаб, ҳаётда ўз ўрни ва бахтини топсин, деган эзгу ният билан яшаймиз.

Биз мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларига ўз тили, маданияти, урф-одат ва қадриятларини ривожлантиришлари учун зарур шароит яратиб беришни изчил давом эттирамиз.

Ишончим қомил, азалдан дўстлик ва ҳамжиҳатлик маскани сифатида шўҳрат қозониб келган Ўзбекистон замини бундан буён ҳам чинакам инсонпарварлик ва бағрикенглик диёри бўлиб қолади.

Мухтарам дўстлар!

Ҳозирги таҳликали замонда юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли қафолати бўлган Қўролли Қучларимиз қудратини янада ошириш устувор вазифамиздир. Шу мақсадда биз миллий армиямиз қудратини, аскар ва офицерларимизнинг жанговар шайлиги, жиқмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтиришга эътиборни янада оширамиз.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини қўлаб-қувватлаш, моддий таъминотини янада яхшилаш, уй-joy билан таъминлаш, фарзандларининг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун қўшимча чора-тадбирларни кўраимиз.

Биз чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги ҳаракатларимизни изчил давом эттирамиз.

Авалло, минтақамиз мамлакатлари билан яқин дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кучайтириш асосий мақсадимиз бўлади.

Дунёнинг узоқ-яқин давлатлари билан ўзаро манфаатли ва кўпқиррали алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берамиз. Яқин қўшнимиз бўлган Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш учун афғон халқига қўлимиздан келган барча ёрдамни кўрсатамиз. Ушбу мамлакат билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдоримиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари, Парламентлараро иттифок, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро минтақавий ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар билан кўп томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарамиз.

Азиз ва қадрли юртдошларим! Биз сизлар билан, бутун халқимиз билан биргаликда тарихан қисқа даврда, бошимизга тушган қийинчилик ва машаққатлар, пандемия ва глобал иққироз оқибатларига қарамасдан, улкан тараққиёт йўлини босиб ўтдик.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси, ҳаётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари тубдан ўзгармоқда. Халқимиз биз оруз қилган ўзгаришларнинг дастлабки меваларидан баҳраманд бўлмоқда.

Донишмандлар айтганларидек, олға юришни уйлаган инсон учун кўрқув, икчилиги, шубҳа ва гумон — энг катта душмандир.

Биз дадил олдинга интилиб, кўрқув ва ҳадикдан ҳалос бўлдик. Дунё бизга очилди ва биз дунёга очилдик. Жаҳонда қанча-қанча дўст ва ҳамкорлар орттирдик. Юксак иродамиз, қатъий савй-ҳаракатларимиз билан яна бунёдкор халқ, бунёдкор миллат бўлиб майдонга чиқдик.

Мен сайловолди учрашувларида халқимиз вакиллари билан чин дилдан мулоқот қилиб, бу ҳақиқатга тўла ишонч ҳосил қилдим. Одамларимиз катта мақсадларга интилишдан, ташаббус кўрсатишдан, янгилик яратишдан қўрқмаяпти. Аксинча, бундан завқ ва илҳом олиб, янада фаол ишляпти.

Халқимизнинг онги, дунёқарашни ўзгаргани, унинг қалбида узяга, эртанги кунга ишонч пайдо бўлгани — бу бизнинг энг катта ютуғимиз.

Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига албатта етади. Мана шундай улугъ эътиқод билан яшаётган халққа раҳбар бўлиб, уни ёруғ манзиллар сари бошлаш мен учун улкан бахт, улкан шарафдир.

Ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк мақсад — Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида сизлар билан, бутун халқимиз билан бирга тинимсиз ишлашга, бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятимни сафарбар этишга тайёрман.

Мен билан бир сафда сизлардек азиз қадр-донларим, дуоғуи отахон ва онахонларимиз, азамат ақа-укаларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, азму шиқоатли ёшларимиз борлиги менга битмас-туғанмас куч-ғайрат, руҳ ва илҳом беради.

Ишончим қомил, барчамиз биргаликда Янги Ўзбекистонни — инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатни албатта кураимиз!

Барчамизни мана шундай улугъ мақсадлар йўлида бирлаштирган халқимиз, Ватанимиз доимо омон бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададор бўлсин!

Яшасин Ўзбекистон!
Яшасин Ўзбекистон халқи!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**, Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**, Қозогистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**, Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**, Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**, Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**, Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**, Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**, Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зойд Ол Наҳаён**, Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний**, Хиндистон Республикаси Президенти **Драупади Мурму**, Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири **Шаҳбоз Шариф**, Умон Султони **Ҳайсам бин Ториқ**, Корея Республикаси Президенти **Юн Сок Ёль**, Италия Республикаси Президенти **Сержо Маттарелла**,

Венгрия Президенти **Каталин Новак**, Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан**, Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашиня**, Сингапур Республикаси Президенти **Халима Якуб**, Фаластин Давлати Президенти **Махмуд Аббос**, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири **Шайх Мансур бин Зойд Ол Наҳаён**, Қатар Давлати Амири ўринбосари **Шайх Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний**, Туркий давлатлар ташкилоти бош қотиби **Кубаничбек Омуралиев**, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бош қотиби **Сергей Лебедев**, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби **Хусрав Нозирий**, Жаҳон туризм ташкилоти бош қотиби **Зураб Пололикашвили**, Евроосиё иқтисодий комиссияси хайъати раиси **Михаил Мясникович**, Қўрғаз араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши бош қотиби **Жасим Муҳаммад ал-Будайвий**, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти **Цзин Лицзюнь**.

Қутловлар қелиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ЛАВОЗИМИГА КИРИШДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистоннинг энг катта кучи аҳил оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли халқи экани, юртимиз бундан буён ҳам чинакам инсонпарварлик ва бағрикенглик диёри бўлиб қолиши таъкидланди.

Чуқур ўйланган



Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикерининг
биринчи ўринбосари

 Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонликларнинг бу улкан ишончи замирида, албатта, сўнги йилларда мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегияси доирасида янги Ўзбекистонни бағро этиш ҳамда Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш йўлида Миллат Сардори амалга ошираётган улғувор ва эзгу ишлари билан халқимиз қалбининг тўридан мустаҳкам жой эгаллаганидек асл ҳақиқат мужассам.

Янги тахрирдаги Конституциямиз қабул қилинган дастлабки ҳафтадаёқ, яъни 2023 йил 8 майда давлатимиз раҳбари “Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловни тайинлаш тўғрисида”ги фармонга имзо чекди. Бу ҳам Президентимиз янги Ўзбекистон Конституциясига сўзсиз амал қилишни шахсан бошлаб берганидан яқол далолатдир.

Чунки Конституциянинг 128-моддаси учинчи бандига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлашга ҳақли”.

Шунингдек, янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 108-моддасида сайловдан кейин **Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз лавозимига киришиши учун Олий Мажлис йиғилишида қасамд қабул қилиши билан боғлиқ норма мустаҳкамланган.**

Жаҳон тажрибасида бундай тантанали маросим — “Инаугурация”, деб аталади. Бу атаманинг мазмун-моҳияти, содда айтганда, қасамд қабул ўз лавозимига киришиш, деганидир.

Инаугурация: хорижий тажриба

Инаугурация, асосан Европа мамлакатларининг давлатчилик амалиётига кўра, **давлат бошлигининг лавозимга киришиш тантанали маросими** ҳисобланади. Тарихда ушбу маросим марказида Қиролга тож кийдириш анъанаси турган бўлиб, кейинчалик бу одат фақат Буюк Британиядагина сақланиб қолди.

Ҳозирги кунда аксарият ривожланган давлатларда инаугурация дабадбали тантаналардан ҳоли, замонавий расмий конституциявий маросим тарзида ўтказилади.

Масалан, АҚШ Конституциясига мувофиқ, Америка Қўшма Штатларининг янги сайланган Президенти лавозимга киришиш учун Вашингтондаги Капитолий биноси олдига анъанавий тарзда очиқ ташилл этиладиган маросимда тантанали қасамд қабул қилиди.

Инаугурациянинг америкада тартиб-таомили дунёнинг кўплаб мамлакатлари томонидан қабул қилинган. Шу билан бирга, АҚШда инаугурация дастлаб доимий равишда 4 март куни ўтказиб келинган бўлса, 1933 йили АҚШ Конституциясига 20-тузатиш киритилгани муносабати билан мазкур тантанали маросимни ўтказиш санаси 20 январга кўчирилган.

Бошқа бир қатор давлатларда ҳам **инаугурация аниқ белгиланган санада ўтказилади.** Жумладан, бу тантанали маросимни Мексикада — 1 декабрь, Бразилияда — 1 январь, Колумбияда — 7 август, Германияда — 1 июль кунлари ўтказиш қонунчилида белгилаб қўйилган.

Дунёнинг аксарият давлатларида **эса инаугурация ўтказиш санаси аниқ белгиланмаган.** Бу борадаги миллий амалиётимиз Ўзбекистон айнан кейинги гуруҳдаги давлатлар сирасига мансублигини кўрсатади. Яъни қонунчилигимизда инаугурация аниқ қайси санада ўтказилиши белгиланмаган.

Европанинг давлат дини амал қиладиган айрим мамлакатларида давлат бошлигининг лавозимга киришиш тантанали

(Ўзбекистон Республикаси сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлиси илк таассуротлари)

маросимида хочни ўпиш ёки “Инжил” китобига кафтни босиш амаллари қўшимча мажбурий таомил сифатида киритилган. Ирландия, Италия ва Грецияда шундай амалиёт мавжуд.

Турли мамлакатларда инаугурация тадбири фақат давлат бошлигининг қасамд қабул қилиши тимсолидаги тантанали маросим билан чекланиб қолмайди, балки бошқа бир қанча тантаналарга уланиб кетади. Жумладан:

- АҚШда — инаугурацияга бағишланган тантанали парад ва бал;
- Бразилияда — усти очик автомобилда пойтахт кўчалари бўйлаб тантанали сайр, ҳарбий парад ва жамоатчилик олдига айрим юқори мансабдор шахсларни, жумладан, ҳукумат аъзоларини лавозимларга тайинлаш амалиёти ўтказилади;
- Францияда — инаугурация маросими мушакбозлик билан яқунланади, бунда тўплардан 21 марта ўт очилади.

Жанубий Кореяда Президент инаугурацияси мамлакатнинг бир палатали парламенти — Миллий мажлис биноси олдига, кўп сонли меҳмонлар иштирокида очик осмон остида ўтказилади. Меҳмонлар янги сайланган давлат бошлиги сўзга чиқадиган минбар рўпарасидаги йигма ўриндиқларга жойлаштирилади. Ёмғир ёғиб қолиши эҳтимоли ҳисобга олиниб, ҳар бир иштирокчида ёмғирлۇш берилади.

Инаугурация маросимида лавозимга киришиши муносабати билан янги сайланган давлат раҳбарига муайян давлат тимсолларини топшириш анъанаси ҳам мавжуд. Хусусан:

- Россияда янги сайланган Президентга Россия Федерацияси Президенти штандарти, Конституциянинг махсус нусхаси ва ядро жомадончаси, яъни Россиянинг жами ядро салоҳиятини бошқариш калити тақдим этилади;
- Францияда янги сайланган Президентга “Фахрий легион” орденининг буюк магистри сифатида Президент белгиси ва “ядровий код” берилади;
- Филиппинда янги сайланган Президент Биринчи даражали “Ок Атиргул” ордени билан тақдирланади. Ушбу юксак давлат мукофоти 1919 йилда Финляндия регенти генерал Карл Густав Маннергейм томонидан таъсис этилган.

Баъзи бир мамлакатлар тажрибасида янги сайланган давлат раҳбарининг лавозимга киришиш тантанали маросимида қасамд қабул қилиш амалиёти кўзда тутилмаган. Хусусан, Францияда инаугурация маросимида янги сайланган Президент фақат қисқача нутқ сўзлайди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ўқиш учун MAZKUR QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Шоҳрух Мирзонинг элчиси 1430 йили султон Бейбарс қабулида бўлганида, Шоҳрух Мирзо Каъбага албатта қисва ёпиш ҳақида қасам ичганини маълум қилади. Шунга қарамай, Миср султонлари Каъбага қисва ёпиш ишига бошқа ҳеч кимнинг қатнашишини истамагани учун, узоқ йиллар давомида ҳар гал рад жавобини бериб келди.

Аммо барибир, 1445 йили Шоҳрух Мирзо ўзи томонидан Қоҳирага юборилган қисванинг Каъба устига Миср султони қаъбулшун остидан бўлса ҳам ёпилишига эришади. Яъни ўн беш йил деганда Темурийзода ҳукмдор ўз қасамининг устидан чиқади.

Ўзбек тилидаги “қасам”, “онт”, “ваъда” каби синоним сўзлар орасидан айнан “қасамд” атамаси танлаб олингани ва Конституциямизга муҳрлаб қўйилгани бежиз эмас. Чунки маънавий-лисоний жиҳатдан ёндашганда, қасамд — содиқлик ҳақида расмий равишда бериладиган тантанали ва қатъий ваъдadir.

Сийсий-ҳуқуқий нуктаи назардан қараганда эса, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 108-моддаси биринчи бандига мувофиқ, **Ўзбекистон Республикаси**

Кўриниб турибдики, талаффузи тилни “синдирадиган” даражада қийин бўлган ушбу каломнинг туб маъно-моҳияти бизга бегона эмас. Аксинча, жуда-жуда яқин, ўта қадрдон.

Биринчидан, бу сўзнинг мазмунида халқимиз тийнатиға хос фазилат — эзгу ният қилиш йўриги жо бўлган. Ният — бу хоҳиш-ирода, мурод-мақсад, орзу-умид, демак.

Ҳамма нарса ниятга боғлиқ. Ният — амаллар пойдевори. Ҳадисда марҳамат қилинганидек, “**Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир. Албатта, ҳар бир кишига ният қилган нарсаси бўлади**”.

Алишер Навоий ҳазратлари яхши ниятли, олий мақсадли, азму иродали инсонларга **“ниятлиг”** деган сўзни гажал ва дostonларига кўп қўллаганлар.

Навоий бобомизнинг “**Ҳазойин ул-маоний**” китобида Темурийзода подшоҳ ва болалик дўсти бўлмиш **Хусайн Бойқаро** ҳазратларига бағишланган шундай байт бор:

Мумкин эрмас шаҳлар ичра бўйла ниятлиг, магар Шоҳи Ғозийкум муяссар бўлди бу давлат анга.

Яъни Шоҳи Ғозий — “**ниятлиг**”, демакки яхши ниятли, олий мақсадли, азму иродали инсон бўлгани учун ҳам, давлатни бошқаришдек шарафли ва масъулиятли амални адо этиш ваколатига муяссар бўлди.

Иккинчидан, “Инаугурация” сўзи маъносидagi “**қушининг парвози**”га оид талқин ҳам Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқи учун ниятда таниш. Тарихий анъаналаримизни бир эслайлик.

Одатда, давлат бошлиги мартабасига юксалган инсонга нисбатан халқимиз “**бошига давлат қуши қўнибди**” деган иборани ишлатди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари 1370 йили бўлиб ўтган қуруттойда Мовароуннахрнинг улғу амираи деб эълон қилингани билан боғлиқ кўплаб тарихий ҳикоятлар барида айтилишча, ул зотнинг пирлари Сайид Барака улғу Соҳибқирон фаолиятини қўллаб-қувватлаб, қатта ногора ва туғ (байроқ) тортиқ қилган. Бинобарин, ўша даврда салтанат соҳибига топширилган ногора билан байроқ олий ҳокимиятнинг рамзи ҳисобланган.

Бошқа бир ҳикоятга кўра, Соҳибқирон бобомиз Мовароуннахр ҳукмдори сифатида тахтга ўтирганидан сўнг “Амир Темур Тарағай” сўзлари битилган муҳрга эга бўлган. Шунингдек, Амир Темурнинг “Рости-русти” калимаси ва учта доира шакли нақшланган муҳри буюқ салтанат бунёдкори ва ҳукмдорнинг жаҳонгирлик сийсатини ўзида акс эттирган.

Албатта, Ўрта асрларга мансуб ҳукмдор тож-тахтининг маҳобатую улғуворлигини кўрсатиш ҳамда Амир Темур салтанатининг шуқуқи ва дабдабасини намоён этишча қизмат қилган бундай тартиб-таомиллардан баъзилари айни вақтда тарихда қолган ва бу табиий ҳол.

Шу билан бирга, агар синчиклаб қаралса, Амир Темур салтанатидан мерос тартиб-таомилларнинг баъзилари Шарқ

ва Фарб мамлакатларида ўтказиладиган инаугурация маросимларида у ёки ва бу кўринишда хали ҳам қўлланиб келаётганини кўриш мумкин.

Халқимиз тилидаги “**давлатхоҳлик**” калому ҳам тантанали маросим руҳиятига уйғун ва ҳамоҳангдир. Бу сўз хайрихоҳ, дўстона, деган маъноларни беради.

Ўзбекистон халқи яна бир бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевни қўлаб-қувватлади, юртдошларимиз овоз бериш асосида ўз давлатхоҳлигини — хайрихоҳ ва дўстона муносабатини очик намоён этди.

Янги Ўзбекистон Президентининг сайланиши: ишончли ғалаба омиллари

Тантанали тадбирда ҳозир бўлганларнинг аксарияти — депутатлар ва сенаторлар, бир оддий ҳақиқатни ўз тақдири мисолида синаб қурган. Бу ҳам бўлса, **бугунги сайловчи — кечаги сайловчи эмас**, деган ҳақиқат.

Бугунги сайловчиларнинг талаби — қатъий, мақсадлари — аниқ, орзу-ниятлари — юксак.

Бугунги сайловчи эртага эмас, шу бугун бахтли, тўқис ва фаровон ҳаёт кечирини истади.

Бугунги сайловчи ўзи овозини берадиган номзоддан бу борада таклиф этиладиган аниқ-равшан Сайловолди дастурини қутди. Тақдим этилган дастурни эса обдон ўргангани, синчиклаб ва танқидий таҳлил қилгани.

Шу маънода, Шавкат Миромоновичга мутлақ кўпчилик сайловчилар ёқлаб овоз бергани кўйидаги **учта муҳим омил** билан чамбарчас боғлиқ.

Биринчи омил: бугунги сайловчиларнинг аксарияти Президент Шавкат Мирзиёевнинг **2017-2021 йилларда амалга оширилган Ҳаракатлар стратегияси** самараларидан мамнун ва манфаатдор бўлган. Халқимиз билан ҳамнафаслида ишлаб чиқилган ушбу дастурий ҳужжат асосида мамлакатимиз ҳаётининг бешта устувор йўналиши бўйича қанчадан-қанча салмоқли чора-тадбирлар белгилаб олингани ва изчиллик билан амалга оширилганини бир эслайлик.

Иккинчи омил: Президент Шавкат Мирзиёевнинг **Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси 2022-2026 йилларга мўлжалланган** бўлиб, ушбу дастуруламал ҳужжат доирасида 2022-2023 йилларнинг ўзидаёқ еттига устувор йўналишда бажарилган ишлар кўлами ва миқёси таҳсинга лойиқ.

Учинчи омил: сайлов кампанияси доирасида бўлиб ўтган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ўн биринчи съездида ушбу сийсий партиядан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев ўз Сайловолди дастурини сайловчилар эътиборига тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг учала стратегик

дастури ҳам юртдошларимиз ва халқаро ҳамкорларимиз таклиф-тавсиялари асосида ишлаб чиқилгани учун ниятда халқчилдир.

Шавкат Миромоновичнинг бу галги Сайловолди дастурида ҳаётимизнинг энг устувор йўналишларини қамраган бешта мақсад ҳақида сўз боради. Яъни:

Биринчи мақсад — таълим йўналиши; **иккинчи мақсад** — барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш; **учинчи мақсад** — сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; **тўртинчи мақсад** — қонун устуворлигини таъминлаш, халқ ҳизматидagi давлат бошқарувини ташкил этиш; **бешинчи мақсад** — Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Ҳар бир мақсад муайян чора-тадбирлар ва қатъий вазифаларни кўзда тутди. Бу вазифаларнинг кўлами ва миқёси қанчалик қамровдор бўлса, иқросини таъминлаш механизмлари шунчалик аниқ.

Биргина мисол: таълим йўналишида — дунёдаги “Top-500”га қирадиган чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорликда қамда 50 та қўшма ўқув дастури ва “икки дипломли тизим” жорий этилади. Бундан ташқари, биотехнология, сунъий интеллект ва бошқа юқори технология йўналишларида йилга истеъдодли 500 йигит-қиз энг нуфузли хорижий олийгоҳларга давлат ҳисобидан ўқишга юборилади.

Ўзбекистон Президентининг стратегик дастурлари давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини тугал қамраб олган. Шу билан бирга, айни дастурлардаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишида юртимиздаги ҳар бир инсонга — кулай имконият, муайян енгилликлар, моддий ва маънавий манфаат етса, ўз навбатида, ҳар қайси оила ва хонадон ободлик, тўқинлик, фойз ва баракат топади.

Назаримда, бу ҳаётий ҳақиқатлар “**Нима учун халқимиз бу галги сайловда ҳам айнан Шавкат Мирзиёев номзоди учун овоз бери**?” деган долзарб ва табиий саволга муносои жавоб бўла олади.

Шу кунларда дунёнинг етакчи давлатлари тимсолидаги ишончли ҳамкорларимиз ҳам янги Ўзбекистон Президентининг ишловларидан дастурини қўллаб-қувватлашини эълон қилмоқда.

Жумладан, “Президент Мирзиёев ўзининг янги мандатини қабул қилётган бир пайтда, АҚШ унинг ислухот ва бошқарув дастурини амалга оширишда, жумладан, қонун устуворлиги, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро назорат ва мувозанатни таъминлаш, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида ёрдам беришга тайёр”, дейилди АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси Баеноттида.

Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси, баронесса Манзила Уддиннинг фикрича, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда сайловчилар иштироки юқори даражада бўлган. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистонда сайловолди кампанияси яхши ташкил этилганидан далолат беради”.

Хитойдаги Шанхай ижтимоий фанлар академиясининг Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази директори Сунь Ци “**Сайлов демократик тамойиллар, халқаро ҳуқуқий-норматив талаблар доирасида очик ва шаффоф ўтгани**”ни эътироф этди.

Шунингдек, “Ҳиндистон — Жанубий Африка” дунстлик жамияти раиси, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги собиқ элчиси, “Вивекананда халқаро фонди” тадқиқот маркази эксперти Сканд Таянинг таъкидлашича, “**Фуқароларнинг сайлов жараёнида ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишга бўлган фаоллиги диққатга сазовор. Мухими, мамлакатда амалга оширилаётган изчил ислухот ва янгиланишлар, уларнинг ҳуқуқий асослари янги тахрирдаги Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган**”.

Мухтасар айтганда, давлатхоҳ — яъни хайрихоҳ халқимиз ўзи билган, таниган ва тан олган Шавкат Мирзиёевга овоз берди. **Донишманд ўзбекистонликлар бу гал ҳам ўзининг халқсевар ва адолатпарвар Президентини сайлади.**

Халқимизнинг эркин хоҳиш-иродаси, мақсад-муддаоси ва орзу-ниятларига таъянган ушбу сайлов натижалари халқимиз фаровонлиги ва бахтиёрлигини таъминлаш, мамлакатимиз ободлиги, тинчлиги ва тараққиётини қафолатлаш ҳамда Ватанимиз обрў-эътибори ва имижини дунё миқёсида юксалтириш йўлида хизмат қилиши муқаррар.



БИЗ ВА ДУНЁ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — БУ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ШАРАФ ҲИСОБЛАНАДИГАН МАМЛАКАТ

Бошланиши 1-бетда

Шуни таъкидлашни истардимки, Шавкат Мирзиёев ўз фаолияти давомида 2016 йилдан буён ташқи сиёсатга пухта ўйланган ва илғор ёндашувни намойиш этиб келмоқда, бу Сингапурнинг глобал ўзаро алоқадорлик ва жаҳон миқёсида ўзаро боғланганлик тўғрисидаги тасаввурига ҳамоҳангдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ хориждаги мамлакатлар билан муносабатларни чуқурлаштириш ва диверсификация қилишга содиқлиги ҳам мамлакатнинг кўп қиррали ўзаро манфаатли муносабатларини янада чуқурлаштириш истagini ўзида ифода этишини алоҳида таъкидлаш керак. Ишонамизки, бундай садоқат ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини тушуниш ва фаровонлик кўприкларини барпо этишга кўмаклашади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг иқтисодий дипломатия сиёсатини илгари суришдаги прагматик ёндашувини алоҳида қайд этишни истар эдим. Бу, айниқса, сиёсат ва иқтисодиётнинг кесишуви тобора мураккаблашиб бораётган ва ўзаро боғлиқ бўлган давримизда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий дипломатияга алоҳида эътибор қаратиш Ўзбекистоннинг нафақат бизнес учун очиқ бўлишини, балки барқарор иқтисодий ривожланиш ва ўсиш учун шароит яратишга фаол ҳисса қўшиш ҳамда халқаро майдондаги сиёсий таъсирни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутганини кафолатлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон бундан кейин ҳам гуллаб-яшнашига ҳамда жаҳон майдонида муҳим ўрин тутishiга ишончим комил. Шу билан бирга, Сингапур ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиши ва кенгайишини кутиб қоламиз.



Го ФЭНЧЖИ, МДХ мамлакатлари билан халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Гуандун иттифоқининг бош қотиби (ХХР):

— Ўзбекистон Президентини сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш мен учун катта шараф бўлди.

Ўзбекистондаги ҳамкасбларимнинг кўмаги ва қўллаб-қувватлаши билан олтига сайлов участкасида бўлиб, сайловчиларнинг рўйхатга олиниши ва овоз беришини ҳамда бутун сайлов жараёнини кузатдим.

Ўйлайманки, ушбу сайловлар юқори савияда, жуда уюшган, очиқ ва ошкоралик муҳитида ўтди. Мазкур сиёсий тадбир давомида халқ ўзининг ишонган раҳбарини сайлаши, сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши учун барча зарур кафолатлар берилганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси сайланган Президентининг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросим ва Шавкат



Мирзиёевнинг нутқи бутун мамлакат бўйлаб ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш бўйича белгилаб берилган аниқ чора-тадбирлар яқин 5-7 йил ичида Ўзбекистон ўз мақсадларига эришиши нуктаи назаридан менинг ишончимни янада мустаҳкамлади. 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш ҳамда халқ фаровонлигини сезиларли даражада ошириш

ана шундай эзгу вазифалар сирасига кириши, шубҳасиз, катта эътиборга сазовордир. Янги сайланган Президентини самимий қутлар эканман, Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбарлигига сайлангани, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг келгуси барқарорлиги ва равнақи учун катта аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Ишончим комилки, келажақда ҳам Ўзбекистоннинг Хитой билан ва, хусусан, Гуандун ҳамда мамлакатимизнинг бошқа жанубий вилоятлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари таълим, иқтисодиёт, саноат, савдо ва сайёҳлик соҳаларида янада катта муваффақиятларни забт этади.

Казим НИЁЗ, Покистон иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари:

— 14 июль кунини янги сайланган Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросимидаги нутқини иштиёқ билан тингладим.

Мазкур дастуруламал нутқда мамлакат иқтисодиётини халқаро иқтисодий муносабатларга янада интеграциялаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик сиёсатини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев бундан олдинги Президентлик даврида Марказий Осиё, сўнгра Жанубий Осиё мамлакатлари билан стратегик алоқаларни ривожлантириш нуктаи назаридан мисли қўрилмаган муваффақиятларга эришди.

Бугун Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида Афғонистон ва Покистон билан ўзаро боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини, иқтисодий ва гуманитар ёрдамни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини алоҳида таъкидлагани бизни қувонтирди.

Покистон ҳукумати ушбу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан фаол иш олиб боришга тайёр.

Ишончим комилки, мамлакат ўз раҳбари раҳнамолигида иқтисодий салохиятини, молиявий қудратини, ижтимоий, сиёсий ва молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлашда давом этади, минтақавий ва халқаро миқёсда янгидан-янги марраларни забт этади.



Ирфан ХАТТАТЎҒЛУ, Туркия Мустақил саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмаси (MÜSIAD) вакили, ҳуқуқшунос ва журналист:

— Буюк Ўзбекистон халқи аслида ўз мамлақати манфаатларини жаҳон миқёсида ҳимоя қиладиган ва илгари сурадиган қучли етакчи бўлган инсонни танлади.

Шавкат Мирзиёев 2016 йили Президентликка сайланганидан кейин мамлакат ўз ривожланишининг янги даврига кирди ва халқаро ҳамжамият унинг кўп асрлик тарихи ҳамда маданияти билан янада чуқурроқ танишишга муваффақ бўлди.



Унинг давлатдаги асосий муаммоларни ҳал қилиш ва ижобий иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишдаги инқилобий

муваффақиятларини ҳам таъкидлаш лозим. Президентнинг инаугурация маросимидаги “Олдимизда турган давр Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий-иқтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бўрилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлади”, деган сўзлари унинг сиёсий ислохотларни янада ғайрат ва шижоат билан давом эттираётганидан далолат беради.

Давлат раҳбари дунёда рўй бераётган қуролли тўқнашувлардан тортиб, иқлим ўзгариши муаммоларига ҳамда бўлган воқеликни аниқ-равшан тасвирлаб берди. У бугунги тез ўзгарувчан дунё тартиботини аниқ белгилар экан, “бугун дунё қандай шиддат билан, кескин ўзгариб бормоқда. Жаҳон миқёсида бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда”, деди. Дарҳақиқат, бугун олдиндан тахлил қилиб бўлмайдиган жараёнлардан иборат ўта мураккаб янги бир давр бошланмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий фаолияти Ўзбекистонни минтақа ва туркий дунёда геосиёсий ва геостратегик жараёнларнинг асосий субъектларидан бирига айлантирди. Дунёнинг етакчи давлатлари, айниқса, Афғонистон масаласи бўйича Ўзбекистон билан ҳисоблаша бошлади.

Сўнгги пайтларда турли мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши ўзларининг амбициялари ва шахсий мақсадлари туфайли халқ муаммоларини ҳал қилиш учун аниқ қадамлар қўймасдан, популизм билан шуғулланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев эса мақсад ва вазифаларни аниқ аниглаши, ўзи раҳбарлик қилаётган давлатни янада ривожлантириш йўлини кўриши билан ажралиб туради.

Каррем КАССИМ, Малайзия Стратегик ва халқаро тадқиқотлар институти эксперти:

— Мен янги сайланган Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ҳукумати кейинги 7 йилда бажаришни режаллаган стратегик мақсадлари мамлакат халқи ва халқаро ҳамжамиятнинг эътиборига ҳавола қилинган илк нутқини диққат билан ўқиб чиқдим.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон янги даврга қадам қўймоқда. Мен яқинда Малайзиядан келган халқаро кузатувчилар делегацияси таркибида гўзал Ўзбекистонда бўлиб, республикада амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ва ислохотларнинг гувоҳи бўлдим.

Қувонарли жиҳати шундаки, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатда бошланган ва инсон манфаатларини таъминлашга асосланган “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттиришга содиқдир.

Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатда коррупцияга батамом барҳам бериш борасидаги ёндашуви алоҳида эътиборга сазовордир. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги делегациясининг жорий ҳафта Куала-Лумпурга сафари Малайзияда катта қизиқиш уйғотди.

Давлат харидлари, тендерлар ва инвестиция лойиҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича илғор тажрибалар алмашуви, шунингдек, бу соҳадаги ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича эришилган келишувлар, шубҳасиз, Ўзбекистонда ушбу турдаги жиноятчиликка қарши курашда Малайзия тажрибасини қўллашга кўмаклашади.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Президентининг қўшни давлатлар билан муносабатларни ривожлантириш бўйича ўта прагматик стратегияси Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашуви учун мустаҳкам пойдевор яратди ва ўз самарасини бермоқда.

Умуман олганда, янги Ўзбекистон Президентининг улкан режалари аҳоли фаровонлигига ҳамда мамлакат иқтисодий тараққиётига хизмат қилишига ишончим комил.



Илгар ВЕЛИЗАДЕ, Озарбайжондаги “Жанубий Кавказ” сиёсатшунослар клубининг раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари этиб қайта сайланиши Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичини англатади.

Яқинда бўлиб ўтган Конституциявий ислохотлар бўйича умумхалқ референдумида янгиланган Асосий қонуннинг қабул қилингани Ўзбекистон ўзи танлаган ва мамлакат раҳбари етакчилигида сўнгги йиллар давомида ишонч билан олиб борилаётган сиёсий йўлнинг халқ томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланаётганини яққол тасдиқлайди.

Жиддий сиёсий тебранишлар, жаҳон бозорларидаги ноаниқлик шароитида Ўзбекистоннинг минтақа ва дунёдаги мавқеи кўп жиҳатдан мамлакатнинг мувозанатли ташқи

сиёсат юритаётгани, Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган самарали иқтисодий сиёсати ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб бораётган изчил, эътиборга молик фаолияти билан изоҳланади.

Экспертлар томонидан билдирилаётган фикрларга қараганда, келгуси йилларда бу йўналиш нафақат давом этади ва мустаҳкамла-



нади, балки тез ўзгарувчан шароитлар таъсирида сезиларли даражада замонавийлашади.

“Дунё” АА



ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг ривожланиши, аҳолининг доимий иш билан таъминланиши, даромади ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши кўп жиҳатдан иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестиция маблағларига боғлиқ. Шу боис, юртимизда ҳам хорижий инвесторлар билан ҳамкорлиқни ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш ва иш ўринлари ташкил этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришилди. Кенг қўламли ва самарали ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 11 июль кунини инвестициялар жалб қилишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишида ҳам тармоқ ва ҳудудлардаги инвестиция кўрсаткичлари, лойиҳалар ижроси ва йил якунигача бўлган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Эътиборлиси, йиғилишда давлатимиз раҳбари илмнинг ўтган опти ойда республикамизда инвестициялар фаол ўзлаштирилган санокли шаҳар ва туманлар қаторида Фориш туманини ҳам тилга олди. Бу бежиз эмас, албатта.

Кейинги йилларда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Форишда ҳам

ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛ

саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик йўналишларида қўллаб-қувватлаш лойиҳалар амалга оширилди. Жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми ошди. Туманининг иқтисодий кўрсаткичлари юксалмоқда.


Агар Форишнинг яқин тарихига назар ташласак, у вилоятнинг энг қолоқ туманларидан бири эди. Аҳолиси асосан, чорвачилик билан шуғулланар, ишлаб чиқариш, саноат деярли йўқ эди. Инвестиция жалб қилиш ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўларди.

Аммо янги ислохотлар сабаб, бугун Фориш мамлакатимизнинг чин маънода ривожланаётган туманларидан бирига айланди. Жумладан, жорий йил

январь-июнь ойларида туманда жами 110,1 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кафолатланмаган хорижий кредит ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 140 фоизни ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган давлатлар сонини 2021-2022 йилларга нисбатан сезиларли равишда ошди.

— “Basalt wool” МЧЖнинг базальтдан минерал плита ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси доирасида 44,8 миллион доллар, “Жиззах цемент” МЧЖ КХнинг цемент ишлаб чиқариш лойиҳасида 20 миллион доллар, “Rockfiber” МЧЖнинг узлуксиз базальт тола ишлаб



чиқариш лойиҳасини ташкил этиш доирасида 36,3 миллион доллар хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилди, — дейди Фориш туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризми ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Темур Саъдуллаев. — Жорий йил якуни билан жами 248,3 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар ва кафолатланмаган хорижий кредитлар ўзлаштирилиши таъминланди ва 2022 йилга нисбатан ўсиш суръати 121 фоизга етказилди.

Туманда 2023 йилда жами қиймати 3,7 триллион сўмлик 42 та лойиҳада 974 та иш ўрни, шундан инвестиция дастурлари доирасида 3,6 триллион сўмлик 21 та лойиҳада 853 та иш ўрни яратилиши белгиланган.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида умумий қиймати 1,6 триллион сўмлик

6 та лойиҳа ишга туширилиб, 288 та иш ўрни яратилган. Жумладан, “Rockfiber” МЧЖ ҚК томонидан ишга туширилган лойиҳа сабаб 205 иш ўрни яратилган бўлса, “Goldfiber pro” МЧЖ томонидан умумий қиймати 981 миллиард сўмлик базальт толасини ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 51 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

— Туманда 2023 йил учун 13 миллион 248,3 минг доллар миқдорда экспорт прогнози белгиланган. Унинг 11 миллион 889 минг долларини саноат маҳсулотлари ва 1 миллион 359,3 минг долларини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади. Бу 2022 йил амалга оширилган экспортга нисбатан 1,5 баробар кўп дегани, — давом этади ҳоким ўринбосари. — 2023 йилнинг 1 ярим йиллиги учун 3 миллион 338,2 минг доллар (шундан, саноат маҳсулотлари 2 миллион 271,1 минг доллар ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 1 миллион 67,1 минг доллар)

миқдориди маҳсулот ва хизматлар экспорти прогнози белгиланган бўлса-да, амалда 3 миллион 478,5 минг доллар миқдориди экспорт амалга оширилди ва прогноз ижроси 104,2 фоизга бажарилди.

Саноат маҳсулотлари экспорти 3 миллион 235,8 минг доллар ёки 143 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 242,7 минг доллар (23 фоиз)га уудаланди. Йил якуни билан 13,2 миллион доллар экспорт кўрсаткичи ижроси таъминланди.

Дарҳақиқат, Фориш туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун улкан имкониятлар мавжуд. Давлатимиз раҳбари бундан беш йил олдин туманга ташрифи чоғида “Фориш имкониятлари бўйича энг бой туманлардан бири. Лекин ҳозир бошқа ҳудудлардан бир оз орқада. Бу ернинг қишлоқ ҳўжалиги, геология, қайта ишлаш соҳаларидаги имкониятларини тўғри ишга солса, аҳоли фаровонлиги, маҳаллий бюджетни ошириш мумкин”, деб таъкидлаган эди. Форишликлар давлатимиз раҳбарининг мазкур иқтибосидан илҳомланиб, белни маҳкам боғлаб, бугун турли соҳаларда қўлга киритаётган улкан ютуқлари билан ушбу сузларнинг тўғрилигини, туман кенг имкониятлар майдони эканини исботламоқда. Ислохотлар натижасида Фориш тумани беш йил олдинги дотация олувчи тумандан бугун ўзини ўзи таъминловчи, қолаверса, туман бюджетини ортиғи билан бажариб, қолган маблағлар ҳисобига қўллаб-қувватлашни молиялаштиришга қўриб етadиган иқтисоди бақувват туманга айланди.

Туманининг биргина инвестициялар жалб қилиш борасидаги ютуқ ва имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, туман яқин орада республикамизнинг энг ривожланган ҳудудларидан бирига айланди.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўроз ҲАЙДАР,
шоир

Халқ оғзаки ижоди рамзларга бойлиги, инсон моҳиятини эзгуликка уйғунлаштириши, орзу-умид шохсупасида саодат маёғини баланд туғ этиши билан ҳаётга муҳаббат уйғотди. Халқоналик оғизга келган сўзни жирлаш эмас, ҳар бир сўз тиниқлиги, маънодорлиги, турфа белгиси ишораларда товланиши, ҳис-туйғуларимизни “елпиши”, мазмун кўламдорлигини қанот ёйиши баробарида руҳсиз оламиизга ҳурлик эпкинини улашиши билан санъат макomini уринлатади. Поляк ёзувчиси Ян Парандовский “Сўз кимёси” асарида Ҳомер ҳақида ёза туриб: “Уни оқин, бахшиларга ўхшаб халқона либос кийиб юрган дейишади, шу билан бирга, худди сарой шоири каби кўшк ва қасрларга ҳам бемалол қадам ранжиди қилиб юрган”.

Мана шу қиёфа ва ҳаракат бутун ер юзидagi бахшиларга тааллуқли. Халқ оғзаки ижоднинг оддий ва мукамал мазмундорлиги (полифоникаси), оҳангдорлиги борлиқни қай тарзда ифода этмасин, барча-барчани ҳайратга ошно тутган. Шу ўринда дунё ўқувчилари қалбига неча асрлардан буён ҳайратлантирган буюк испан ёзувчиси Мигель де Сервантеснинг “Дон Кихот” асари арабларнинг “Минг бир кеча” эртакларига ҳамоҳанг яратилгани билан улугвор аҳамият касб этганини эсламай бўлмайди.

Халқ оғзаки ижоднинг гўзал ва бетакрор намунаси бўлган бахшичилик санъати минг йиллар давомида ардоқланиб келмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш йўлга қўйилди. Биринчи бор Сурхондарё заминида, кейинчалик Нукус ва Гулистон шаҳарларида ташкил этилган Халқаро бахшичилик санъати ушбу санъат ривожига дунё халқлари эътиборини қаратишга қўйилган қадам бўлди, минтақа ва халқаро ҳамжамият маданий доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўзига хос бахшичилик мактаблари мавжуд. Қашқадарё бахшичилик мактаби шакл ва мазмун жиҳатидан ажралиб туради. Абдулла бахши Нуралӣ ўғли, Тоғай бахши, Зоир бахши Қўчқор ўғли, Умир бахши Сафаров, Азим шоир Ҳўжаёв, Шомурод бахши Тоғай ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли, Қаҳҳор ва Абдумурод Раҳимовлар ва бошқа юзлаб бахшиларимиз ўз мактабини яратиб, халқ оғзаки дурдоналарини қуйлаб келган ва қуйламоқда. Бу воҳа дostonчилари, жумладан, деҳқон-ободлик (марҳум) Қодир бахши Раҳим ўғли, чироқчилик (марҳум) Азим шоир, қамашилик (марҳум) Ҳазратқул бахши Худойберди ўғли каби бахши-шоирларнинг овозлари Туркия, АҚШ, Россия, Франция, Ҳиндистон, Мўғулистон ва бошқа хорижий мамлакатларга етиб борган ва дostonсеварлар қалбидан ўрин олган. Қашқадарёда Деҳқонобод ва Чироқчи бахшичилик мактаблари, айниқса, ўзига хослиги билан нуфузга эга. Бу мактаб бахшилари халқ дostonлари, термаларни ички овозда ижро этадики, ботиний сезгимиз торларини чертишга қодир ва руҳий оламимизни жунбушга келтиради.

Келинг, ўзим кўп бор суҳбатини олган, овози ширали, сўзлари дурдек сержило ва маъноли чироқчилик марҳум Шомурод бахши Тоғай ўғли ҳақидаги хотираларим билан ўртоқлашай.

Ўзбекистон халқ бахшиси Шомурод бахши халқ бахшичилик санъатида

Биз онг ости сезимларимиз тўйинишини, бадий тафаккур тарзимиз шаклланишини, маънавий-маърифий қарашларимизни фикрлашда, мулоҳаза юритишда, мунозарага киришиш жараёнида тажассум топишига эришамиз. Ўзимизнинг микрооламимизни улкан коинот мўъжизалари сир-синаотига боғлаб, эзгуликнинг муҳташам қасри бўлмиш халқ оғзаки ижоди бўстони маънавий маъданлари — дostonлар, эртаклар, ривоятлар, лапарлар, чистонлар, бундай дуру гавҳарлар “озуқа”сидан кўнгул салтанатини ёруғликка макон тутамиз.

Ўзига хос мактаб яратганлардан. Унинг юз китобга жо бўлгилик терма-дostonлари халқ орасида машҳур. Отаси Тоғай шоир 1932 йилда иғвогарларнинг чакуви билан Сибирга сургун қилинган. Шунда Шомурод опти ойлик чақалоқ бўлган. Тўққиз ойлигида онаси Тожихол Шукурова совуқ иқлимга мослашолмай, оғир шомоллашдан вафот этди. Шомурод бахши опалари кўлида ўсди. Саккиз ёшида отасининг мунгли кўшигини тош қотиб тингларди. Тоғай шоир ич-ичидан йиғлаб терма айтарди.

Элимдан адашган ёлғиз сўнаман,
Булбул бўлиб гул шохига кўнаман,
Энасойга дардим айтиб жиладим,
Ишим билан Иртишларга жиладим,
Ҳой-ҳой, ой-ў-ў-ў, ҳей-ҳей-ў-ў-ў...

Тоғай шоир 1945 йил урушдан қайтиб келиб, болаларини кўкрагига қосиб, хўнг-хўнг йиғлади. 1948 йилда Тоғай шоир оқлангач, улар Чироқчига қайтишди.

Шомурод бахши билан гурунглари кўп бўлган. Маҳаллий шоирлардан Жўра Алимардоннинг хотира кечасидан қайтиш чоғида қишлоғимизда укамнинг уйида бўлиб ўтгани бу гурунғ. Бизга ҳамроҳ бўлган болалар шоири Ўта Бердийёрга (ҳозир 93 ёшда) қаттиқ ҳазиллашарди. Ушанда бахши 85 баҳорни қаршилаганди.

— Укажон, болалигимни эсласам, тошга игна қадаб шардоз ўтказаман. Вой-вой-а, энажоним-а, Оқмуланинг муз бағрида қолиб кетди. Отам Тоғай шоирга кўп зорландим: “Оқмулага бора-йин, энажонимни кўрайин. Ўттиз жилни ҳатлаб, умримни ҳатлаб ўтказавераманми”, десам отам кўмади. У ёқларнинг бетини ит кўрсин, журагимни тиглама, болам, деди. Худди мени этагимдан тортиб, Оқмула олиб қолаётгандай туюлдими, отажоним унамади. Шуйтиб энажонинг мазориди бир мартаям тунамадим. Энди саксон учни жағалаб, сувим қочиб ўтирибман. Қанотим бўлса-ю, учиб-учиб, энажоним мазорининг олдида кўнсам.

Шомурод бахши дўмбира чертиб, овозини баландлатади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Жигит улаур Меккам чол,
Летибамни сандирдине.
Отам олиб бериб эди,
Насибамдан айирдине.
Билмаганим билдирдине,
Ажал бўлиб паймонамни

тўлдирдине,
Учар эдим, қанотимни қасирдине,
Юрар эдим, оёғимдан тойдирдине.
Бийиуул, Бийиуул,
Рангсанеул, рангсанеул.
Гуфаклари қирқтан гул,
Ҳай-ҳаё, раббиме, Оллоё,
Муллатўйрай тоғи саҳарда

сайрайди,
Нега менинг отажоним келмайди?
Ростин айтгин, энажон, эна-ёв,
Менинг отам ўзи қачон келгайди?
Карвон ўтиб боради,
Икки ўғтон қарвонларга чопади.
Отасини кўролмаган болалар,
Энасига келиб, дўстлар, сўрайди.
Энажон, жон эна, эна-ёв,
Айтгин отам ўзи қачон келгайди?
Эна жотиб жилайди,
Ёр келмасин билади,
Билса, қандоқ қилади,
Олло-ё, отам-а, жонима,
Бийиуул, Бийиуул, Бийиуул...

Бўғзинга хўрсиниқ тикилади, кўз ёшларинг чўққа айланади. Ер тебраниб, осмон қалдирайди. Ўзингдан ўзингни мосуво этгинг келади.

“**ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР НАМУНАСИ БЎЛГАН БАХШИЧИЛИК САЊЪАТИ МИНГ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АРДОҚЛАНИБ КЕЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САЊЪАТИ ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.**”

Ҳа, хунрезлик, қатлиом зулуклари қатра қонингни симириб, олам шайини улқотирганда коинот тартиботи издан чиқиши бор гап. Шомурод бахшининг қизаринган кўзларига ўқсини тикиламан. Саксон учиди оёғини “салта” қилиб кўзойнак илондай



ўйнатадиган, ўрнидан сакраб турадиган бахшининг борлиги оғирлашади. Аччиқ тумандай ёпирилган хотиралар юки уни заифлик чилвирида ўриб-эшади.

— Отам урушда. Иброҳим акамдан қорҳат келган қора кунлари болалар уйида жашайдим. Бир кунга бир бурда нон беради-я! Очлиқдан тош чайнаш-данам тап тортмаймиз. Кўз сополдай қотган, қорин қавишган, тери устихонга жавишган, тирик жон шайтон билан топишган бадбахт кунларнинг бирисида чўчабоқар Леониднинг тўнғизхонасига ўғирликка тушдим. Пишакдай тўнғиз боласини жиртқи фуфайкамнинг этагига ўраб, девор ошувдимки, чўчабоқар пайқаб қолди. Қочаман-а, қочаман. Оч одам жуғура олмайкан, иргаланиб, аяғи жерга ботиб қолайкан. Тўнғиз феъл Леонид ва унинг икки ули мени ушлаб олди. Роса дўппослади. Одам таёқдан ўлмайкан. Кўкармаган, қораймаган жойим қомади. “Энажо-он!” деб зор қақшаб жиладим. Оғзимдан қақрадай аччиқ сўлак оқди, кўз ўнгим қоронғилашди. Энам

бўлганда Леониднинг тўнғизхонасига ўт қўяйди. Одамлар очлиқдан ўламан деб жотибди, чўчабоқарнинг икки бети қувачадай, чертсанг қон сизади. Тўнғиз боласини кўрққанымдан бўғиб ўлдириб қўйибман. Улик чўчкаңаниям мендан қизғаниб, итининг олдида отиб жуборди. Қорним пўст ташлаб шундай санчки берардики, тирноғимам қизиб кетганди. Шундай, укажон! У кунларнинг бетини тескари қўйсин. Манови Ўта бува Сталинни кўмсаб жилайди. Ҳа, бебақнинг боласи. Қора уйдан бир умр қиммай жашаган нимани билади. Анови радионинг жолғонига ишонади. Жаланғочлаб муздай сувга ботириб қўйса, қундузнинг боласидай ўрмалаб қочармиди. Сталин отам дейди-я, отасиз қоғур!

Шомурод бахши менга кўз учуриб олади-да, яна селдай тўлиб тошади.

— Айналай, ука, қизиллар кўз олдимизда жети жуз жапон аскарини отиб ташлади. Биз, “детдом”нинг бир тўда болалари тепалиқда — буталар орасидан мўралаб қараймиз. Қуролсиз аскарлар ҳар ёнга сочилиб қочади-яй! Атрофини ўраб олган қизиллар пақ-пақ этиб отгани отган. Бир жапон аскар ўзини дарёга олди. Жудаям сузағонакан.

Униям қайиқда сузиб бориб отиб ташлашди. Бечора солдай жонбошига ағдарилиб, сувга чўкиб кетди. Биз болалар қақшаб жиладик. “Уйи кўйсин Сталинни”, деб сўкиб жиладик. Одам боласининг нархи қилдан арзонийди у пайтлар. Бир қир нари бўйламаган Ўта бува нимани билайди. Жумронқозқдай бўйини чўзиб-чўзиб, ер тирнаб журган-да! Ҳа, айланай-а, энасини бегона журтда қолдирган билади. Энажонинг тилини ўн жетимда — ота журтимга қайтаганимда тетапоя баччадай ўргандим.

Мана, ҳозир, дастурхон қошида дўмбирасини бир четга авайлаб қўйди-да, тиззаларини жуфтлаб, қаддини тик тутиб, қадрайиб украин халқ кўшиқларидан бирини овозини баландлатганча қуйлай кетди. Уй шифтлари зириллай бошлади. Укам Шойимназар оғзи очилганча унга анграйиб тикилиб қолди. Саксон беш ёшли қариянинг йигитлардай чакқон ва ўқтам ҳаракатидан Ҳайратланарди. Қўшиқ туғаси билан Ўта бобоям беихтиёр чапак чалди.

— Бир жилдан бери, укажон, термалар қуйлашан бир соатдан ошмаепти. — деди Шомурод бахши бир оз музтар тортиб. — Илгари бошқа тилларда термаларни кўп билайдим, энди хотирамдан кўтариляпти. Термалар айтабйилмасам жилаб жуборамам, укажон. Қарилиқни бўйинга олай десам, бўйиним ёр бермаяпти. Энди нима қиламан. Одам шуйтиб қариб-тўзиб қолама. Ҳали эл кезиб миллатни миллатдан, элатни элатдан айри этмадим. Отам Тоғай шоир дўмбирани кўлимга тутта туриб: “Болам, лули орасида лули бўл. Шоирнинг миллати йўқ. Уруғ ажратган кунинг ўлганим де”, деб қаттиқ ўғит суққан. Золимдан қочаман, яхшининг этагидан тутаман. Эл бир қисм майиз тутса, кўзимга суртаман. Элдан айирмасин, укажон.

— Назар Эшонқул деган ёзувчи биродаримиз айтувди: “Шу Шомурод бахшининг қуйлашидаям, дўмбира чертишидаям бурятларга хос оҳанг, ижро бор”, деб.

— Сибир боласиман-да. Сибиряк! — қийқириб қулади бахши. — Қўбизминам чиқиша оламан. Назар тушмагур оқиннинг овозини “тери”сиданам ажратма билайкан. Бурят бахшилари овулимизга меҳмон бўлиб келайди. Қозоқ оқинлариям дўмбира чертиб, айтишувлар қилганининг гувоҳиман. Дўмбира чертиб, терма айтишининг урдасидан чиққанымдан сўнг қозоқ оқинларимнанам “ташлашганман”. Тан берган жойи кўп бўлган. Билсанг, катта мактаб кўрмадим. Отамнинг мактабидан чиққанман. Қодир бахши Раҳим ули хўп саводлиғиди. Сўзни чертиб-чертиб атайди. Сўзиниям залвори юк босайди. Бизлар яккама-

якка айтишув қилмаганмиз. У менинг хурматимни жойига қўйган. Бир Сибир “шер”ининг бўлгани шу-да! Оқмулада қолиб кетганимда овозим ўзимминан кетайди. Аллоҳга шукр, қай бир ковакда қолиб кетмадим. Уриснинг боласини лаҳжасидан қайси вилоятдан эканини биламан. Тошкент — Москва поездига тушиб, купедаги ўрис ҳамроҳларимни лаҳжасига қараб қайси вилоятдан эканини айтганимда учовиям ҳайратдан жаға жиртган. Новгородликлар ўзбек боласига ўхшаб “хорошо”ни “хорошо” деб талаффуз қилади. Москваликларга ўхшаб “харашо” демайди. Айтдим-ку, Сибир боласиман деб! Сургун бўлган миллатларнинг зўрларимнан яшаганмиз. Ғариблиқда келгиндилар ҳам оғ-инига айланаркан. Кўрган азобларим ҳеч бандасининг бошига тушмасин. Тинчликдан айланай. Ўн қоп олтининг бўлсин, кунингда фароғат бўлмаса, ўтган умринга ҳайф! Аҳмоқ подшо элдан мамлакат газасини яширади. Уларнинг қанчалари ер остида жотибди. Элдан айирмасин. Эл бир муштан урса, ўлдиради. Бир чимдимдан тутса, итининг товояги тиллодан бўлади. Термаларим қонарга сиймайди. Халқ оғзаки ижодини ўрганувчиларам жилдан-жилга қамайиб борапти.

Шомурод бахши ёшли кўзларини дастўрмоли билан арта туриб, дўмбирани филофига ўрайди. Дастурхонга дуо ўқилиб, ўрнимиздан кўзғаламиз...

Шомурод бахши Термизда ўтказилган халқаро бахшичилик фестивалига боролмади. Оғир ҳасталиқдан кўриб жилади. Фестивалдан қайтганимда бахши хонадониди бўлдим. У оғир сўлиш олди. Кўзларидан шашқатор ёш сизиб, ёноқларини хўлларди. Унинг қуруқшоқ лабларидан сўзлар қумдай тўқилди.

— Президентимизга минг раҳмат. Бахшиларни қафтига олди. Бахшилар назардан четда қоляпти, деб журагим оғирди. Эҳ-ҳей, шунча бахшилар бор экан-а, уларга навбат тегмай қола-ма дедим. Дўмбирасини сайратиб, жониб-жониб, тўқилиб-тўқилиб термалар айтишини телвизорда кўриб жиладим. Жилашимдан болаларим кўрқиб кетишиб қошимда чарх уришди. Манови қуруқшоқ кўлларимни базўр қўтариб, телвизорга қаранглар, дегандай имо қилдим. Мен истиклол одаминан. Умрим оловда ўтди. Оловда тўғилган қанқусман. Истиклолни менчалик ким кутган? Бегана жерда қўқариб, кўр-ганим ҳурлик бўлди. Энадан болани ажратиб қўйган жаллод тузумга ўт тушсин. Отам Тоғай шоир бачадай хўнграб жилайди: “ўз журтимини тупроғига бош қўйиб ўлсам, Аллоҳдан рози эдим”, деб. Ҳали армон қиламан, энажонинг майити бегана журтда қолди, деб. Бахшилари бор халқ қаримайди, журтда тўқинчилик бўлади. Ҳамманглар омон бўлинглар.

Шомурод бахши чуқур хўрсинди, унинг хўрсинишида ҳам бугунги дорилмомон кунларга шукроналик балқиб турарди.

Бахшининг овозида аспиятимиз — тарихи инсоният яралмишининг илк даврларига бориб тақаладиган, инсоннинг оламини англаш ибтидосининг мунгли, мустар ва жасоратли ҳайқирғи мукжасам.

Ана шу бир қадар нолакор ва ҳамиша нафқирон наволарини орақ кўрини бериб тингласангиз, олис ўтмишимиз, долғали бугунимиз, сирли ва сеҳрли эртамизнинг сўзлар қудратидagi қрифеаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Зеро, шунинг учун ҳам бахши ва бахшичилик санъати абадийта дахлдордир.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
43927 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Малохат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 00:10 Топирилди — 00:15